



Ўзбекистон Республикаси номидан
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

2022 йил 16 май

Андижон шаҳри

4-1701-2202/1050-сонли иш

Андижон туманлараро иқтисодий судининг судьяси Ж.К.Мамитов раислигида, судья ёрдамчиси А.И.Ҳалимжоновнинг суд мажлиси котиблигида аризачи - Андижон вилояти давлат солиқ бошқармасининг жавобгар – "ЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖ" масъулияти чекланган жамиятининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп бўлган муддатга тўхтатиб туриш тўғрисида электрон тарздаги аризаси бўйича қўзғатилган иқтисодий ишни аризачи вакили [REDACTED] (ишончнома асосида) иштирокида (жавобгар вакили иштирок этмади) Андижон вилояти давлат солиқ бошқармаси биносида, очиқ сайёр суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

аризачи - Андижон вилояти давлат солиқ бошқармаси Андижон туманлараро иқтисодий судига электрон тарзда ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар – "ЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖ" масъулияти чекланган жамиятининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп бўлган муддатга тўхтатиб туришни сўраган.

Аризачи вакили ўз кўрсатмасида - даъвони қўллаб-қувватлаб, жавобгар томонидан солиқ ҳисоботлари топширилмаганлиги учун судга ариза берилганлигини маълум қилиб, аризани қаноатлантиришни сўради.

Жавобгар суд мажлиси ҳақида хабардор қилинган бўлсада, унинг вакили суд мажлисида иштирок этмади ва аризачининг талабларига эътирозини билдирмади.

Ишдаги мавжуд ва тақдим этилган ҳужжатларда суд мажлиси ўтказилиши вақти ва жойи кўрсатилган суднинг ажрими жавобгарнинг электрон шахсий кабинетига етказилганлигини тасдиқловчи маълумот мавжуд.

Мазкур ҳолатда, суд Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 170-моддасига кўра иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар, учинчи шахслар суд мажлисига келмаса, низо уларнинг йўқлигида ҳал қилиниши мумкинлигини инобатга олиб, жавобгар вакили иштирокисиз иқтисодий ишни кўриб чиқишни лозим топди.

Ишдаги мавжуд ва тақдим этилган ҳужжатларига кўра, "ЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖ" масъулияти чекланган жамияти томонидан 2022 йил февраль учун Жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ хизмати органларига топширилмай келинган бўлиб, Андижон вилояти давлат солиқ бошқармасининг қарори билан жавобгар – "ЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖ" масъулияти чекланган жамиятининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича барча чиқим операциялари 10 кунга тўхтатилган бўлиб, инспекция томонидан жавобгар – "ЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖ" масъулияти чекланган жамиятига юборилган хабарномада жавобгар томонидан солиқ ҳисоботи тақдим этилмаганлиги учун унинг банклардаги барча ҳисобварақлари бўйича барча чиқим операциялари 10 кунга тўхтатилганлиги, агар ҳисобот тақдим этилмаса, банклардаги барча ҳисобварақлари бўйича барча чиқим операциялари 10 кундан кўп бўлган муддатга тўхтатиб туриш ҳақида иқтисодий судга ариза киритилиши ҳақида огоҳлантирилиб, солиқ тўловчининг шахсий кабинетига юборилган бўлсада, жавобгар



расмийлаштирилади. Бундай далолатнома асосида солиқ органи банкдаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб туради;

4) солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) ўзи кўрсатган манзилда йўқлигида.

Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақ бўйича операцияларнинг тўхтатиб турилиши банклар томонидан солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) барча ҳисобварақлари бўйича барча чиқим операциялари тўхтатиб турилишини аниқлатади.

Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақ бўйича операцияларнинг тўхтатиб турилиши фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ биринчи навбатда кўрсатилган тўловларга, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирувга йўл қўйилмайдиган банклардаги ҳисобварақларга татбиқ этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 217-моддасига кўра, банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш ҳуқуқий таъсир чораси ҳисобланади.

Ушбу Кодекснинг 215-моддасига асосан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги аризалар билан судларга назорат қилувчи органлар мурожаат этишга ҳақли.

Жавобгар томонидан 2022 йил февраль учун Жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ бўйича ҳисоботлар тақдим этилмай келинаётганлиги Андижон вилояти давлат солиқ бошқармаси аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар ҳамда аризачи вакиллариининг кўрсатмалари билан билан тасдиқланганлиги боис, суд аризачининг талабини қаноатлантиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 222-моддаси, 3-қисми, 4-бандига кўра ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги арз қилинган талаб қаноатлантирилган тақдирда, суд ҳал қилув қарорининг ҳулоса қисмида банклардаги ҳисобварақлар бўйича операциялар қандай шартлар бажарилгунига қадар тўхтатиб қўйилганлиги кўрсатилиши керак.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 215, 217 ва 222-моддаларини қўллаб, суд

қ а р о р қ и л а д и :

аризачи - Андижон вилояти давлат солиқ бошқармасининг аризаси қаноатлантирилсин.

Жавобгар – "ЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖ" масъулияти чекланган жамиятининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларининг чиқиш қисми 2022 йил февраль учун Жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ бўйича ҳисоботни давлат солиқ хизмати органларига тақдим этгунга қадар тўхтатиб қўйилсин.

Жавобгар – "ЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖ" масъулияти чекланган жамиятига хизмат кўрсатувчи банклардаги ҳисоб-рақамлари бўйича операцияларни тўхтатиб қўйишга сабаб бўлган ҳолатлар, яъни, солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан молиявий ва (ёки) солиқ ҳисоботи тақдим этилган кундан кейин бир кундан кечиртирмасдан, давлат солиқ органи хизмати томонидан тақдим этиладиган ёзма кўрсатмаси (қарори) асосида ҳисобварақлар бўйича операциялар тиклансин.

Мазкур ҳал қилув қароридан устидан ўн кунлик муддат ичида апелляция тартибида шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин.

**Раислик қилувчи,
судья**

Ж.К.Мамитов

